# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ BM-343-53407-4.04**
**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус**
**таълим вазирлиги**

**________________________**

**"8" июль 2003 й.**

# БАНК АУДИТИ
## фанидан
# ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**
**таълим соҳасидаги 5340700 - "Банк иши"**
**бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Норқобилов С.,
к.ўқ. Ортиқов У. Д.

**Тақризчилар:** к.ўқ. Мирзагалдиева З. Қ.,
к.ўқ. Кенжаев М. Ғ.

"Банк аудити" фани етакчи мутахассислик фанларидан бири бўлиб, унда банк аудитининг вазифалари, банкларда ички аудитни ташкил қилиш, аудиторлик ташкилотлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, нақд пул ҳамда бойликларни аудит қилиш, ҳисоб-китоб операцияларини аудит қилиш, кредит операцияларини, банк даромадлари ва харажатлари ҳисоби аудити ва шунга ўхшаш бир қанча мавзулар ёритилади.

"Банковский аудит" является одним из ведущих профилирующих предметов. В нём освещаются вопросы, связанные с организацией банковского аудита, законодательной и правовой базой аудиторской деятельности, обязаностями аудитора, аудитом наличных денег и ценностей, аудитом бухгалтерских операций, аудитом кредитных операций, аудитом банковской прибыли, расходов и др.

Banking audit is one of the leading professional subjects. There are topics about banking audit, creation of internal banking audit, and it organizations and their laws and obligations, audit of cash and values? Audit of accounting operations, audit of credit operations, audit of bank's income and expenses and that kind of topics are discussed.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### Банк аудити фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига билан тасдиқланган давлат таълим стандартига асосан "Банк аудити" фани ўқитилади. Бозор иқтисодиёти шароитида турли мулкчилик шаклларининг ташкил топиши ҳамда ривожланиши тижорат банкларининг ҳам кўпайиши ва ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Банк аудити ушбу банкларда

амалга оширилаётган операцияларни назорат қилиш орқали банк фойдасини оширишга қаратилгандир.

**"Банк аудити" фани бўйича талабаларнинг билимига, укувига ва кўникмасига қўйиладиган талаблар**

Ушбу курсда банк аудити ҳақида тушунча, аудит методлари ва турлари, касса операциялари аудити, ҳисоб-китоб операциялари аудити, кредит операциялари аудити, валюта операциялари ҳамда бошқа операциялар аудити назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқилганлиги боис қуйидаги асосий талаблар қўйилади:

- талабалар фанни ўрганиш даврида ҳар бир ўтиладиган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан сўраладиган "таянч" ибора, тест саволларига жавоб бериб, тегишли масалани еча олиши;
- ўқиш даврида ёзма назорат ишларини бажариши ва рефератлар тайёрлаши;
- фанни ўзлаштириш натижасида ва келажакда талаба Банк аудити соҳасида бўладиган ўзгаришларни таҳлил қилишни билиши лозим.

**Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси**

Бу фан кўпгина иқтисодий фанлар билан боғлиқ. Банк аудити, пул, кредит ва банклар, банк иши, банкларда бухгалтерия ҳисоби, монетар сиёсат ва бошқа мутахассислик фанлар билан узвий боғлиқ.

Масалан, кредит операциялари аудити, банк иши фанида кредит беришни ўргансак, аудитда унинг берилиши ва қайтарилишини назорат қилинамиз.

**Фанни ўқитишдаги янги технологиялар**

Фанни ўқитишда замонавий аудио ва видео техникадан фойдаланилади. Ички аудитни ўрганиш бўйича банкларга сайёр дарслари уюштирилади, фанни ўрганишнинг асосий қисми маърузалари ва семинар дарсларида амалга оширилади. Бундан ташқари 3-4 мавзуларда слайдлардан фойдаланилади.

**Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар**

Фан "Банк иши" мутахассисликларда 4 курснинг 8-семестрида ўқитилади. Уни мазмунини ёритиш маъруза, семинар дарслари, мустақил ишлар бўйича олиб борилади.

**Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми**

Олий таълимнинг давлат таълим стандартларида мазкур курсга 60 соат вақт ажратилган. Уларнинг 20 соати маъруза, 20 соати амалий машғулотлар ва 20 соати мустақил таълимдир.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

**Банк аудитининг мазмуни, мақсади ва вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида банк аудити тушунчаси, унинг мазмуни, мақсади. Мустақиллик йилларида банк аудитининг ривожланиши. *Банк аудитининг вазифалари.*

**Банк аудитининг методи ва турлари**

Ички аудитни ташкил этишнинг умумий қоидалари. Аудиторлик рисклари. *Аудит қилишнинг ҳуқуқий асослари, аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби.* Аудиторлик ташкилотлар ва аудиторларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари.

**Нақд пул ва касса операцияларининг аудити**

Нақд пул ва бойликларни аудит қилиш тартиби. Нақд пул ва бойликларни сақлаш бинолари ва уларни қўриқлаш аудити. *Касса ва касса операцияларини аудит қилиш тартиби.*

**Ҳисоб-китоб операциялари аудити**

*Мижозларга кўрсатилган ҳисоб-китоб операцияларини аудитдан ўтказиш тартиблари.* Чет эл валютасидаги ва бошқа айрим ҳисоб-китоб операцияларининг аудити.

**Кредит операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш аудити. (Муаммоли кредитларнинг аудити)**

Кредит операцияларини расмийлаштириш тартиби, уларни ҳисобга олишнинг аудити, унинг ўтказилиш тартиби.

Муаммоли кредитларни аудит қилишнинг мазмуни ва тартиблари. Факторинг опрациялари аудити, лизинг операциялари аудити. Траст операциялари аудити.

**Тижорат банклари даромадлари, харажатлари ва фойдаси аудити**

*Даромадларнинг ҳисоби аудити.* Харажатлар ҳисоби аудити. Банк фойдаси ҳақида тушунча ва уни аудит қилиш. Банк фаолияти ва харажатлари аудити бўйича

аудиторлик хулосалари, уларнинг банк фаолиятини самарали олиб боришдаги аҳамияти.

**Дебиторлар, кредиторлар ва қимматли қоғозлар аудити**

Тижорат банкларининг дебитор ва кредитор корхоналар ўртасидаги муносабатларини аудит қилиш тартиби. Корхоналарнинг дебиторлик қарздорлиги. Қимматли қоғозлар билан банк операциялар аудит, унинг мақсади ва вазифалари. Давлат қимматли қоғозлари билан операцияларни текшириш. РЕПО битимларини текшириш. Дебиторлар ва кредиторлар билан аудит қилиш тартиби. Қимматли қоғозлар аудити.

**Валюта операциялари аудити**

Валюта операциялари аудитининг мазмуни, уларни банкларда ташкил қилиш, унинг мақсади, вазифалари ва манбаалари. *Валюта операцияларини аудитдан ўтказиш тартиблари.* Валюта операциясини ва унинг амал қилишини текшириш. Ички валюта бозорида банкнинг валюта операциялари аудити. Валюта алмашинув шахобчалари фаолиятининг аудити. Валюта олди-соттисини аудит қилиш. Экспорт-импорт операцияларини текшириш.

**Тижорат банкларида асосий воситалар ва кам баҳоли, тез эскирувчи буюмларнинг аудити**

Тижорат банкларида асосий воситалар ,уларнинг баҳоланиши ва қайта баҳоланишини текшириш. Тижорат банклари номоддий активлари аудити. Тижорат банкларида кам баҳоли активлар ва уларни текшириш. Тижорат банкларида тез эскирувчи буюмлар, уларнинг ҳолатини, сақланиши ва ишлатилишини текшириш. Банкнинг асосий воситалари ва номоддий активлари текшируви бўйича аудиторлик хулосаси ва унинг муҳокамаси.

**Аудиторлик рисклари ва аудиторлик хулосалалари**

Аудиторлик рисклари, уларнинг мазмуни ва турлари. *Аудиторлик хулосалари ва уларни бериш тартиби.* Аудиторлик хулосаларининг мақсади. Аудиторлик хулосаларига қўйилган талаблар. Аудиторлик хулосаларининг кенг кўламлилиги ва чуқурлиги.

## 3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ

**Банк аудитининг методи ва турлари**

Банк аудитининг асосий методлари. Банк аудитининг турлари: ички аудит ва ташқи аудит. Ички аудитни ташкил этишнинг умумий қоидалари. Аудиторлик

гуруҳларини тузиш тартиби ва уларнинг фаолияти ва хулосалари. Аудит қилишнинг ҳуқуқий асослари, аудиторлик текширувларини ўтказиш тартиби*. Аудиторлик ташкилотлар ва аудиторларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари.

**Нақд пул ва касса операцияларининг аудити**

Тижорат банкларида нақд пулларни аудит қилиш. Банкка тегишли бойликларни аудит қилиш тартиби. Нақд пул ва бойликларни сақлаш бинолари ҳамда уларни қўриқлаш ҳолатиниг аудити. Касса ва касса операцияларини аудит қилиш тартиби*.

**Ҳисоб-китоб операциялари аудити**

Мижозларга кўрсатилган ҳисоб-китоб операцияларини аудитдан ўтказиш тартиблари. Чет эл валютасидаги ва бошқа айрим ҳисоб-китоб операцияларнинг аудити. Ҳисоб-китобларни ўтказиш тартибига риоя қилиш тартибини текшириш, счетлари олиб бориш тартибини текшириш. банклараро ҳисоб-китобларни ўтказишни текшириш. Ҳисоб операциялари талбларига риоя қилмаслик ва улар бўйича чоралар.

**Кредит операцияларини расмийлаштириш ва ҳисобга олиш аудити (Муаммоли кредитларнинг аудити)**

Тижорат банкларининг актив кредит операциялари аудити. Кредит операцияларини расмийлаштириш тартиби, уларни ҳисобга олишнинг аудити, унинг ўтказилиш тартиби*. Тижорат банкларининг кредит портфелини аудити. Тижорат банкининг пассив кредит операциялари, уларни расмийлаштиришни текшириш.

Муаммоли кредитларни аудит қилишнинг мазмуни ва тартиблари. Факторинг операциялари аудити, лизинг операциялари аудити. Траст операциялари аудити. Кредит операциялари ҳисобининг аудити. Муаммоли кредитларнинг ҳисоби ва уларни қайтарилиши билан боғлиқ операцияларининг аудити.

**Тижорат банклари даромадлари, харажатлари ва фойдаси аудити**

Тижорат банклари даромадлари ҳисобининг аудити. Тижорат банклари харажатлари ҳисоби аудити*. Тижорат банки фойдаси ва уни аудит қилиш тартиби.

**Дебиторлар, кредиторлар ва қимматли қоғозлар аудити**

Қимматли қоғозларнинг турлари. Дебиторлар ва кредиторлар ҳақида тушунча*. Қимматли қоғозлар аудити. Қимматли қоғзлар билан операциялар ҳисобининг

аудити. Дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва уни аудитдан ўтказиш.

**Валюта операциялари аудити**

Валюта операцияларининг иқтисодий мазмуни. Валюта операцияларини банкларда ташкил қилиш ва уларнинг назорати. Валюта операцияларини аудитдан ўтказиш тартиблари*. Валюта операцияларининг турлари. Тижорат банкларининг валюта биржасидаги фаолияти таҳлили. Валюта сотиш ва сотиб олишни аудит қилиш. Пул алмаштириш шахобчалари фаолияти таҳлили. Очиқ валюта позициясини текшириш.

**Кам баҳоли ва тез эскирувчи асосий воситалар аудити**

Кам баҳоли ва тез эскирувчи асосий воситалар таркиби ва тузилиши. Кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни аудит қилиш тартиби. Кам баҳоли ва тез эскирувчи асосий воситаларнинг ҳисоби ва уни аудитдан ўтказиш тартиби.

**Аудиторлик рисклари ва аудиторлик хулосалалари**

Аудиторлик рискларининг мазмуни ва турлари. Аудиторлик хулосаларини бериш тартиби, уларнинг аҳамияти.. Аудиторлик хулосаларининг банк фаолияти учун зарурлиги ва аҳамияти. Аудиторлик рискларини олидини олиш чора тадбирлари. Банк хавфсизлигини таъминлаш йўллари ва усуллари. Банк сири ва унга риоя қилиш.

## 4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ: ИНФОРМАЦИОН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

**Интернет сайтлари:** www.bizbook.ru, www.chtivo.ru.
Аудит видео жиҳозлар – мавзуга бағишланган видео кассеталар.
**Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар:**

- Накд пул ва касса операцияларининг аудити мавзуси бўйича 4та слайд;
- Валюта операциялари аудити мавзуси бўйича 6та слайд.

Баъзи мавзуларни ўқитишда аудио ва видео техника воситаларидан фойдаланилади.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабаларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ) – 35%;
- оралиқ баҳолаш (ОБ) - 35%;
- якуний баҳолаш (ЯБ) - 30%.

ЖБ ва ОБ турлар ва белгиланган баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг)70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорида белгиланади.

Фан бўйича дастур тўла ўтилгандан кейин ЯБ "ёзма иш" усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Таянч тушунчаларига асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимининг якуний баҳолаш босқичида" "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низом билан белгиланади.

Семестр ўқув йили давомида ўқитилган фан бўйича 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқиётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган (академик қарздор) деб ҳисобланади.

Семестр давомида фан бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- 86 - 100 - "аъло" – 34,4 – 40,0 балл;
- 71 - 85 - "яхши" - 28,4 – 34,3 балл;
- 55 - 70 - "қониқарли" - 22,0 – 28,3 балл.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида"ги Қонуни. -Т., 1995.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. -Т., 1996.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Валютани мувофиқлаштириш ҳақида"ги Қонуни. -Т., 1995.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари 1995 й 5 январдан 2001 йил 1 январгача. Т.: Адолат, 2000.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон 21 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекситон, 1997.
6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унга қарашли муассаса, корхона ва ташкилотлар фаолиятини аудит қилишга доир кўрсатмалар. 27 июн 1998 йил № 409.
7. Абдуллаева Ш.З. Пул ва пул тизими. -Т., 1997.
8. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма -Т., 2000.
9. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. -Т., 2000.
10. Банковское дело: Управление и технология: Учеб. пособие для ВУЗов. под ред. проф. А.Н. Товашева, Н. Юнитидана. -М., 2001.
11. Белоглазова Г. Банковское дело. -СПб.: Питер, 2002.
12. Белоглазова Г.Н. Денежное обрашение и банки. -М., 2000.
13. Банки и банковское дело / Под. Ред. И.Т. Балабанова – СПб.: Питер, 2001.
14. Банк аудити. Маъруза матн - Т., ТМИ, 2000.
15. Бонарев В.В. Финансовый анализ. - СПб: Питер, 2001.
16. Братко А.Г. Банковское право: Теория и практика. –М.: ПРИОР, 2000.
17. Вахрин П.И. Финансовый анализ в коммерческих и некоммерческих организациях: Учеб. пос. –М.: Маркетинг, 2001.
18. Велеско Е.И., Быков А.А. Неправский стратегически менеджмент. Деловая игра. Делта; Пособие. - Мн.: БГЭУ, 2001.
19. Деньги, кредит, Банки. Ценные бумаги. Практикум: Учеб. пос. для вузов – Под ред. Е.Ф. Жукова. - М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2001.
20. Жарковская Е. Банковское дело. Курс лекций. -М., 2002.
21. Иминов О.К. Кредитный механизм в современных условиях. Монография. - Т.: ТГЭУ, 2000.
22. Иқтисодий йўналишлар чораклик нашр. Ўзбекистон. Апрель-июнь. 2001.
23. Казимогомедов А.А., Илясов С.М. Организация денежно-кредитного регулирования. - М.: Финансы и статистика, 2001.
24. Муллажанов Ф. Банк тизими. - Т.: 2001.
25. Норқобилов С., Ортиқов У. Банк аудити. Маъруза матнлари. -Т.: 2000.
26. Платонов В.Банковское дело: стратегическое руководство. -М., 2000.
27. Папов В. Банки на переходе. -М., 2001.
28. Парфёнов К.Г. Банковский план счетов и правила введения бухгалтерского учета. - М.: Гелиос АРВ, 2001.
29. Суйц В. Аудит: обший, банковский, страховой. Учеб. - М.: 2001.

30. Смирнова Л. Банковский аудит. Учеб. пос. -М.: Финансы и статистика, 2001.
31. Савчук В.П. Примекко С.И. Величко Е.Г. Анализ азборка инвестиционных проектов: Учеб. пос. – Киев: Эльга, 1999.
32. Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталам. –М: Перспектива, 1998.
33. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. -М., 2001.
34. Шарифходжаев М. Экономическая теория. -Т., 1999.
35. Шеремет А.Д. Финансовы анализ в комерческом банке. -М.: Финансы и статистика, 2000.
36. Эргашев Х.Х. Учёт денежных средств, расчётных и кредитных операций: Учеб.-практ. пос – М.: Дом Дашкова, 2000.
37. **Интернет сайтлари:**

- www.banking.com – минтақавий банклар, ассоциациялар ва нашриётлар бўйича банк саноати ресурслари директорлиги.
- www.banking.com/aba - Америка банклари ассоциацияси.
- www.state.ct.us/dob – Коннектикут банклари ва кредит бирлашмалари, кредит муассасалари ва қўриқлаш саноатини бошқаради.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Аренс А., Лоббек Д. Аудит. Учебник. Пер. с англ. 2001.
2. Балабанов И.Т. Банки и банковское дело. –СПб.: Питер, 2001.
3. Валенцева Н. Сборник задач по банковскому делу. -М., 2001.
4. Грязнова А. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. -М., 2002.
5. Дмитриева И. Бухгалтерский учет и аудит. -М.: ФБК-Пресс, 2002.
6. Кураков Л. Современные банковские системы. Учеб. пос. -М., 2000.
7. Колесников В. Банковское дело. Учеб. 4-е изд. -М., 2002.
8. Лаврушина О. Банковское дело.. Учеб. -М., 2002.
9. Макальская А.К. Внутренний аудит. -М., 2001.
10. Островская О. Банковское дело. Толковый словарь. -М.: Гелиос АРВ, 2001.
11. Подольский В.И. Аудит. Учеб. для вузов. -М.: Юнити-Дана, 2001.
12. Роджер Лерой Миллер. Современные деньги и банковское дело. -М.: 2000.
13. Сенчагов В. Финансы, денежное обрашение и кредит. Учеб. -М.: 2001.
14. Тавасиев А. Банковское дело: управление и технологии. -М.: 2001.
15. Шеремет А.Д. Аудит. Учеб. -М.: Инфра, 2002.
16. Шахбазова И. Бухгалтерский учет и аудит. -М.: Тетра Системс, 2002.